



13.09.2018



Ҳурматли таҳририят!

Мен Республика Банк-молия академиясини тугатиб, банк тизимидаги фаолиятимни 2001 йилда бошладим. 2014 йил “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ билан меҳнат шартномаси тузилди.

2017 йил февраль ойида мен билан банк ўртасида тузилган меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббусига биноан бекор қилинди.

Меҳнат шартномаси қонунга хилоф равишда бекор қилинган деб ҳисоблаб, ишга тиклашда амалий ёрдам сўраш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясига ариза билан мурожаат қилдим. Ишга тиклаш юзасидан кечиктириб бўлмас чоралар кўриш ўрнига, Федерация масъул раҳбар ходимлари қонуний манфаатларим оёқости бўлишига шароит туғдиришди.

Мазкур ташкилот томонидан амалий ёрдам кўрсатилмагач, ФИБ Мирзо Улуғбек туманлараро судига даъво ариза киритдим. Бироқ Юнусобод туман прокуратурасининг даъвони қаноатлантирмаслик тўғрисидаги асослантирилмаган фикрига биноан суд даъво талабларимни рад этди.

Даъво талабларим қуйи инстанция судлари томонидан қаноатлантирилмаганлиги боис Олий судга назорат тартибида кўриб чиқиш учун шикоят тақдим этдим. Олий суд шикоятим ва унга илова қилган далилий ҳужжатларимни лозим даражада ўрганмасдан туриб, қуйи инстанция судларининг қарорларидаги бирёқлама хулосаларни асос қилган ҳолда 2017 йил 16 октябрда 12-7477-17-сонли хат берди.

Олий суд шикоятимда келтирилган важларим билан келишмаслигини касаба уюшмалари фаолиятига доир ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги, шунингдек, амалдаги меҳнат қонунчилиги талабларига риоя этилмаган хулосалар билан асослаган.

Мен бу хулосадан норози бўлиб, 2017 йил 31 октябрь куни Олий суд раиси қабулида бўлиб қай-

тадан шикоят тақдим этдим. Орадан 4 ой ўтгандан кейингина 2018 йил 27 февраль санаси билан 12-7477-17-сонли жавоб хати олдим. Хатда “Сизга 31.10.2017 йилдаги 12-7477-17-сонли хат билан жавоб берилган”, деган қисқа жумлалар билан жавоб берилди. Шундан кейин ҳам 10 га яқин ариза билан қайта-қайта мурожаат қилдим. Аммо “Сизга 31.10.2017 йилдаги 12-7477-17-сонли хат билан жавоб берилган”, деган жумладан иборат бўлган қисқа мазмундаги хат олавердим.

2018 йилнинг 11 май куни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Р.Давлетов қабулида бўлдим. Қабул давомида амалдаги қонунчиликда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларим Олий суд томонидан ҳимоя қилинмаётганлигини ва бу борадаги мурожаатларим ҳолис кўриб чиқилмаётганлигини баён этиб, ҳуқуқларим тикланишида амалий ёрдам сўрадим.

Мурожаатим Адлия вазирлигининг малакали ҳуқуқшунос ходимлари томонидан ҳар томонлама далиллар асосида ўрганиб чиқилиб, шахсан Адлия вазирлиги имзоси билан Олий суд раиси номига хат йўлланди. Хатда меҳнат шартномаси бекор қилинишида амалдаги бир қатор қонун ҳужжатлари қўпол равишда бузилганлиги қайд этилган.

Хатда Меҳнат кодексининг 101-моддаси талабларига риоя этилмасдан, яъни иш берувчининг банк касаба қўмитасига ёзма тақдимнома киритилмаганлиги, банк касаба қўмитасининг ҳуқуқий асосларга эга бўлмасдан туриб меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик бериш масаласини кўриб чиқилганлиги таъкидлаб ўтилган. Бундан ташқари, Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши Раёсатининг 19.04.2016 йилдаги 2-11-сонли қарори билан тасдиқланган “Касаба уюшмаси органида иш берувчининг тақдимномасини кўриб чиқиш” тартибининг 11-бандида “Масаласи кўрилаётган ходим тегишли касаба уюшмаси органи мажлисида иштирок этиш ҳуқуқига эга. Касаба уюшмаси органи ходимнинг мажлисда иштирок этиши учун етарли имконият яратиши лозим.

Ходим мажлис ўтказиладиган сана ва жой ҳақида олдиндан ёзма шаклда (тилхат топшириш ёки почта орқали юбориш йўли билан) хабардор қилиниши шарт”, деб белгилаб қўйилган.

Ходимнинг йиғилишда иштирок этиши касаба уюшмаси томонидан қабул қилинадиган қарорнинг адолатлилигини таъминлайди. Шунингдек, ходим ушбу тартибнинг 13-бандидаги ҳуқуқларидан тўлақонли фойдаланган ҳолда ўзининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида касаба уюшмаси йиғилишига адвокат ёки инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилот мутахассисини вакил сифатида таклиф этиши ва қўмитанинг иш берувчи таъсир доирасига тушиб қолган ҳолда адолатсиз қарор қабул қилиши олдини олиши мумкин бўлади.

Айнан шу сабабли Меҳнат кодекси, “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни ва Олий суд Пленумининг 17.04.1998 йилдаги “Судлар томонидан меҳнат шартномасини бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланилиши ҳақида”ги 12-сонли қарори асосида ишлаб чиқилган мазкур Тартибга барча касаба уюшмалари органлари қатъий риоя этишлари мажбурий ҳисобланади.

Амалда касаба уюшмасининг йиғилишида менинг иштироким таъминланмаган. Олий суд эса ушбу ҳолат юзасидан жавоб хатида “Банкнинг амалдаги жамоа шартномасида касаба уюшмасининг бундай йиғилишида ходимнинг шахсан иштирок этиши таъминланиши шартлиги назарда тутилмаган.

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг 19.04.2016 йилдаги 2-11-сонли қарори билан тасдиқланган “Касаба уюшмаси органида иш берувчининг тақдимномасини кўриб чиқиш” Тартибига банк касаба уюшмасининг риоя этмаганлиги иш берувчининг меҳнат

шартномасини бекор қилиш ҳақидаги буйруғини бекор қилишга асос бўла олмайди. Сабаби, банк раиси касаба уюшмасининг розилиги олингандан кейин буйруқ чиқарган” жумлаларни акс эттирган.

Касаба уюшмаси томонидан меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик бериш масаласини кўриб чиқишнинг тамойиллари жамоа шартномаси билан тартибга солинмаслиги, бу борада Олий суд Пленумининг 17.04.1998 йилдаги “Судлар томонидан меҳнат шартномасини бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланилиши ҳақида”ги 12-сонли қарори асосида ишлаб чиқилган алоҳида меъёрий ҳужжат борлиги ва ушбу ҳужжат талаблари бажарилиши мажбурий эканлиги инобатга олинмаган.

Ушбу қонунбузилиш ҳолати ҳам Адлия вазири томонидан Олий суд раиси номига йўлланган хатда ўз аксини топган.

Судлар томонидан қарорлар қабул қилишда адолат тамойилларига амал қилинмаганлиги ва Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси томонидан ишга тиклаш тўғрисида амалий ёрдам сўраб қилган мурожаатимни кўриб чиқиш жараёнида ҳамда “Ўзсаноатқурилишбанк”да меҳнат шартномасини бекор қилишда йўл қўйилган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази директори А.Саидов Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига прокурорлик таъсир чораларини қўллаш мақсадга мувофиқлиги ва қонунбузилиш ҳолатларига тегишли муносабат билдириш юзасидан хулоса берган.

Юқоридагилар билан биргаликда меҳнат шартномаси вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида бўлган пайтимда бекор қилинган бўлиб, банк мансабдорлари меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги буйруқни орқа сана билан, яъни менинг охириги иш куним билан расмийлаштириб қўйишган. Ваҳоланки, бу қонунбузилиш ҳолати судда менинг қонуний манфаатларимни ҳимоя қилиб қатнашган Давлат меҳнат ҳуқуқ инспектори А.Эсоновнинг судга тақдим этган хулосасида ҳам, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий марказининг хулосасида ҳам ўз аксини топган. Ушбу ҳолатларни тасдиқловчи далилий ҳужжатларим эса нафақат қуйи инстанция судлари томонидан, балки Олий суд судьялари томонидан ҳам ўрганилмаган ва ҳуқуқий баҳо берилмаган.

Олий суднинг 12-7477-17-сонли хатида меҳнатга қобилиятсизлик варақаси буйруқда акс эттирилган санадан кейин очилганига ишора қилиб, “Шикоятингиздаги меҳнат муносабатлари меҳнатга қобилиятсизлик даврида бекор қилинганлиги ҳақидаги важларингиз асоссиздир, сабаби меҳнат шартномаси 17 февралда бекор қилинган бўлса, сиз 20 февралдан 1 мартгача меҳнатга лаётқатсиз бўлгансиз”, деган гаплар киритиб ўтилган холос. Яъни, буйруқ санаси билан меҳнатга лаётқатсизлик варақаси очилган санани солиштириб қўя қолишган.

Давлатимиз раҳбарининг суд тизимини ислоҳ қилишга қаратилган Фармон ва қарорлари ижроси қачон ўз ифодасини топади?

**Давронбек РАЖАПОВ,**

**Юнусобод тумани**

## Сўнгги янгиликлар:

- [Соғлиқни сақлаш соҳасида муҳим босқич: қулай ва ишончли тиббий хизмат](#) [3]
- [Архивлар ўтмишдан сўзлайди \(49 сон\)](#) [4]
- [Адлия одамлар орасида: уларнинг дардига шерик, ташвишига елкадош \(49 сон\)](#) [5]
- [Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси иқтибослар](#) [6]
- [“Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир”](#) [7]
- [“Барчамиз бирлашсак коррупция қурий бошлайди”](#) [8]
- [Болаларга васий ва нафақа тайинланди](#) [9]
- [Конституция орқали жаҳон давлатни давлат, миллатни миллат сифатида тан олади](#) [10]
- [Фуқаро мурожаати ўз вақтида ҳал этилиши лозим](#) [11]
- [Тарбиячининг ўзи тарбияга муҳтож, боз устига қонунбузар бўлса...](#) [12]

---

**Source URL:** <http://insonvaqonun.uz/?q=runklar/4136>

### Ссылки

- [1] <http://insonvaqonun.uz/print/4136>
- [2] <http://insonvaqonun.uz/printpdf/4136>
- [3] <http://insonvaqonun.uz/node/4413>
- [4] <http://insonvaqonun.uz/node/4409>
- [5] <http://insonvaqonun.uz/node/4408>
- [6] <http://insonvaqonun.uz/node/4407>
- [7] <http://insonvaqonun.uz/node/4406>
- [8] <http://insonvaqonun.uz/node/4402>
- [9] <http://insonvaqonun.uz/node/4397>
- [10] <http://insonvaqonun.uz/node/4396>
- [11] <http://insonvaqonun.uz/node/4395>
- [12] <http://insonvaqonun.uz/node/4394>